

Ishonch

2018 йил 22 май • сешанба • № 60 (4033)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ, ЯХШИ ЯШАШГА ИНТИЛИШИ ВА ИШТИЁКИ ОРТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиши, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 19-20 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.

Президентимиз 2017 йил 2-3 июнь кунлари вилоятта ташрифи чоғида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни билан танишар экан, бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар берган эди. Ўтган вақт мобайнида ана шу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўтган йилги ташрифдан сўнг ишлаб чиқилган 2017-2018 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ, вилоятда 2017 йилда умумий қиймати 1,5 триллион сўм бўлган 3 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида иқтисодий-ижтимоий соҳаларда сезиларли ўсишга эришилди. Мухими, одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб, яхши яшашга интилиш ва иштиёқи ортди. Бу юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг Андижонга бу галги сафари давомида аввалги ташриф асосида берилган топшириқлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, вилоятни янада ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар ижросининг бориши, аҳолининг талаб-эҳтиёжи билан бевосита танишиши ва бу борадаги келгуси режаларни белгилаш диққат марказида бўлди.

Президентимиз ўтган йили Андижон тумани Хакан қишлоғида «Milana textile» масъулияти чекланган жамиятининг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш лойиҳаси билан танишган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 февралдаги «Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 9 миллиард сўм инвестиция киритиш, 200 янги иш ўрни яратиш шарти билан корхонага Хакан қишлоғида бир гектар ер майдони ва фойдаланилмай турган бино «ноль» қийматда берилди.

Корхона «Алоқабанк» вилоят филиалидан олинган 2 миллиард сўм кредит ҳамда 7 миллиард сўм ўз маблағи ҳисобидан уч қаватли бино қуриб, замонавий жиҳозлади. Хориждан келтирилган тикув дастгоҳлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

«Умид ниҳоллари – 2018»

Президент совғасига нукуслик ўқувчилар сазовор бўлди

Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган «Умид ниҳоллари — 2018» мусобақасида Нукус шаҳри жамоаси Президент совғаси — «ДАМАС» автомашинаси билан тақдирланди.

2017 йилнинг сентябрь ойидан бошланган ёшлик ва спорт байрами 4 босқичда ўтказилиб, унда 142 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этди.

Нукус шаҳрида ўтказилган финал босқичида 746 голиб аниқланиб, 1-2-3 даражали диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мусобақа якунига қўра, умумжамоа ҳисобида Нукус шаҳри жамоаси голибликни қўлга киритди. Қораўзақ тумани жамоаси иккинчи, Тахтақўпир ва Амурлар туманлари жамоалари учинчи ўринни эгаллади.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М.Ерниязов биринчи ўрин соҳиби — Нукус шаҳри жамоасига Президент совғаси «ДАМАС» автомашинаси қалитини тантанали топширди.

А.НАСИРЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари Владимир Путинни Россия Федерацияси Президенти лавозимига киришгани билан яна бир бор самимий табриклади ва фаолиятида қатъи муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланиётгани ва изчил мустақамланиб бораётгани, шунингдек, ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорликда эришилган юқори натижалар чуқур мамнуният билан алоҳида қайд этилди.

Мулоқот давомида давлат раҳбарлари Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифига

тайёргарлик доирасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолияти доирасида аввал эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни амалга ошириш муҳим экани таъкидланди.

Шу муносабат билан Россиянинг «Статус» компания ва банклари иштирокида энергетика мажмуи, металлургия, машинасозлик, электротехника саноати ва бошқа юқори технология тармоқларида истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Худудлар даражасида фаол му-

лоқотларни давом эттириш ҳамда жорий йил кузида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Россиянинг биринчи худудлараро форумини ўтказиш бўйича келишиб олинди.

Туризм ва маданият соҳаларидаги алмашинувларни янада кенгайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ўзаро манфаатли дастурларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари халқаро сийosatнинг долзарб масалаларини ҳам муҳокама қилди. Минтакавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари турли форматларда яқин ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари олий даражадаги мунтазам учрашувлар ва мулоқотлар давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали шерикликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор суръатларда ортиб, номенклатураси кенгайиб бораётгани, бу жорий йилнинг ўзидаёқ ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичини 3 миллиард долларга, яқин йилларда эса 5 миллиард долларга етказиш имконини бериши чуқур мамнуният

билан қайд этилди.

Мамлакатларимизнинг иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигида мавжуд улкан салоҳиятдан самарали фойдаланишга қаратилган худудлараро алоқаларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар саноат, энергетика, транспорт соҳаларида ва иқтисодий-иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа тармоқларида истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳуку-

матлараро қўшма комиссиянинг самарали фаолиятини, шунингдек, Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида биргалликда муваффақиятли амалга оширилаётган тадбирларни юксак баҳоладилар.

Шунингдек, халқаро сийosat ва минтакавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришда интилиши қатъий эканликларини таъкидладилар.

ЎЗА



Мендир ХАЙИРҲУЛИЕВ (ЎЗА) сўради.

КУН НАФАСИ

«Майнинг чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Унда майнинг чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг сифатли санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан таъминланганлиги даражасини ошириш, шунингдек, экологик муаммоларни ҳал этиш борасида қатор вазифалар белгиланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Кубада йўловчи самолёти қулаши оқибатида қўлаб инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши Раиси Мигел Марियो Диас-Канелга ҳамдардлиқ билдирди.

«Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

Адлия вазирлиги «Хукукий ахборот» қаналининг хабар беришича, Давлат хизматлари марказлари орқали жорий йилнинг 14-18 май кунлари, яъни бир ҳафта мобайнида фуқароларга 64 324 та давлат хизмати кўрсатилди.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2018 йил 1 июндан Давлат хизматлари кўрсатиш марказлари томонидан кўрсатилган давлат хизматлари турлари яна 31 тага қўшилди.

Шу пайтгача Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари бўлиши давомида ишлаб келган Евгений Вячеславович Колеско Бош прокуратура академияси бўлиши лавозимига тайинланди.

Шунингдек, шу вақтгача Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бўлишининг ўринбосари бўлиб ишлаган Гафурон Рустам Бахтиярович мазкур академия бўлишининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.

Остонада Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси ва «Олтин Ўрда» бизнес-клуби вакиллари автобусдаги ёнғинда ҳалок бўлган Ўзбекистонликлар хотирасига бағишлаб 52 та дарахт қўчати ўтказди.

Ўзбекистоннинг Украинадаги дипломатик ваколатхонаси ташаббуси билан жорий йилнинг 6 июнь кунини Киев шаҳрида «Ўзбекистон ва Украина: иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари» мавзусида Ўзбекистон-Украина иқтисодий форуми бўлиб ўтди.

Форум доирасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хусусан тўқимачилик, пойабзал-чарм, электр техникаси, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш маҳсулотлари, қиммат баёғи маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган нисомга асосан, муомаладаги 50 ва 100 сўмлик тангалар, шунингдек 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотлар муомаладан қайтариб олинади. Уларнинг ўрнига эса 2018 йил намунасидаги 50 сўмлик, 100 сўмлик, 200 сўмлик ва 500 сўмлик тангалар муомалага чиқарилади.

Ҳозирги кунда ҳайдовчилик гувоҳномаларининг янги намуналарини бериш ёки алмаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш Тошкент шаҳрининг Миробод, Юнусобод, Учтепа, Шайхонтоҳур туманлари ва Наманган шаҳар Давлат хизматлари марказларида жорий этилган.

Жорий йил 1 июндан эътиборан Нукус, Андижон, Термиз, Когон, Зарафшон, Шаҳрисабз, Қўқон шаҳарлари, Дўстлик, Пастдаргом, Сирдарё, Чирчик ва Хонка туманлари Давлат хизматлари марказларида ҳам ушбу турдаги давлат хизматларини кўрсатиш жорий этилиши белгиланган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида бунёд этилган «Жасорат» майдони яқин кунларда шаҳар-созликнинг замонавий талаблари асосида тубдан янгиланади.

Бу ерда аҳолининг қўнғилдагидек ҳордик чиқариши учун кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилади.

2»

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ, ЯХШИ ЯШАШГА ИНТИЛИШИ ВА ИШТИЁҚИ ОРТМОҚДА

41

Лойиха киймати қарийб 28 миллиард сўм бўлган заводга Германия, Франция, Швейцария, Хитой, Ҳиндистондан замонавий ускуна ва технологиялар келтириб ўрнатилди.

— Бу жуда долзарб ижтимоий аҳамиятга эга лойиха, — деди Шавкат Мирзиёев завод мутасаддилари билан мулоқотда. — Инсулинга эҳтиёжи бор бемор дори тополмаса, ҳаёти хавф остида қолади, чорасини кўрмаган, деб биздан норози бўлади.

Президентимиз маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бозорга кириб, ракоббатбардош бўлгунча уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, дори субстанцияларини рўйхатдан ўтказишда қўмаклашиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда «Zamin Bio Health» масъулияти чекланган жамиятида қуқули антибиотик ишлаб чиқариш, вилотда фармацевтика санюатини ривожлантиришга оид бошқа лойиҳалар тақдироти бўлиб ўтди.

19 май куни Андижон туманидаги «Andijan Silk.Co» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси пиллани қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йирик мажмуани ишта туширди. Президентимиз корхона фаолиятга старт берувчи рамзий тугмани босди. Бу ерда амалга оширилган ишларни кўздан кечириди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги қарори асосида ташкил этилган «Ўзбеки-паксаноат» уюшмаси томонидан бутунги кунда тармокни жадал ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни жалб этиш, ипак қўртининг янгича усулда парваришлаш, хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ўрганиш орқали пилла сифати ва миқдорини ошириш, аёллар ва ёшларни доимий иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Andijan Silk.Co» қўшма корхонасининг қурилиш ишларига 5 миллиард сўм маблаг сарфланди. Пиллани қайта ишлашни ташкил этиш учун 2 миллион 100 минг доллар эвазига Хитойда ишлаб чиқарилган ип йиғирув ва тўқув машиналари келтириб ўрнатилди. Натигада 150 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Жорий йил охиригача ишчилар сони 300 тага етказилди.

Корхона тўлиқ қувват билан ишлаб бошлагач, йилга 300 тонна пилла қайта ишланади. 2018 йилнинг ўзига 5,1 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилиш имконияти яратилди.

— Бутун дунёда сифатли ипак матоларга талаб катта. Бундан йилга уч марта даромад олса бўлади. Демак, пиллачиликни ривожлантириш, кўпроқ бағр берадиган тут плантацияларини қўпайтириш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда трикотаж, чарм-пайабзал, қурилиш материаллари, ип-калага ва газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилотидаги ўтган йилги ташифи давомида Асака туманида замонавий иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан танишган эди. «Асака» банкнинг туман филиалидан лойиҳа учун 1,5 миллион доллар маблаг ажратилиб, «Сабо ҳамкор» МЧЖ томонидан 5,8 гектар майдонда гидропоника усулида банан ва помидор етиштирилдиган 2 та иссиқхона барпо этилди. Туркиянинг «Asya Modern Serachilik» компанияси билан тузилган шартномага асосан ушбу маблаг эвазига хориждан иссиқхона ускуналари олиб келинди.

«Сабо ҳамкор» МЧЖ томонидан бу ерга қўшимча 500 минг доллар маблаг сарфланиб, умумий киймати 2 миллион долларлик лойиҳа жорий йил март ойда тўлиқ ишта туширилди.

25 минг туп помидор қўчати экилган 1 гектарлик иссиқхонада жорий йилда 300 тоннагача ҳосил олиш ва қўшни давлатларга экспорт қилиш мўлжалланмоқда. 2 гектарда таш-

кил этилган иссиқхонада тажриба тариқасида 5 минг туп банан қўчати парваришланмоқда. Банандан биринчи мавсумда 250-300 тонна ҳосил олиш кутилмоқда.

Президентимиз банан етиштириладиган иссиқхонани кўздан кечирди. Уни кенгайтириш, маҳсулотни қайта ишлаш ва саклаш шароитини яратиш, ҳосилдорликни ошириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбарига иссиқхоналарнинг компьютер орқали бошқариладиган совутиш ва мўътадил иқлим яратувчи тизими ҳақида ҳам маълумот берилди. Замонавий технология асосида иссиқхоналарга ўз вақтида керакли ҳарорат, минерал ўғит ва намлик берилади.

Туркиялик ҳамкорлар қўчат парваришидан то ҳосил етиштиришгача бўлган жараёни назорат қилиб бориш учун агрономлар жалб қилган. Шунинг ҳисобига 2-3 ойда етиладиган помидор ҳосилини 1-1,5 ойда олиш, икки йилда уч марта банан етиштириш мумкин бўлади.

Шавкат Мирзиёев кам иш кучи сарфлаб юқори ҳосил олиш имконини берувчи бундай иссиқхоналарни қўпайтириш кераклигини таъкидлади.

— Мамлакатимизга импорт қилинадиган банан пишмасдан узилади. Табиийки, бундай мевада витамин ва озука моддалари кам бўлади. Юртимизда бундай тропик меваларни етиштириш хар жихатдан фойдали бўлади, қолаверса, валютга тежаллади, — деди Президентимиз.

Шу ерда 2018-2019 йилларда Андижон вилотида аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Андижон вилотида чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Жорий йилда мазкур йўналишдаги 40 лойиҳа ижроси натижасида 32 минг тоннадан зиёд сут, 400 тоннадан ортик гўшт етиштирилди. Тармоқда жами 649 иш ўрни яратилди.

Ўтган йили вилотга ташифи давомида Президентимиз Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиалини ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди. Ҳозирги кунда филиалда 9 илмий ҳодим фаолият қўритмоқда. Вилотда давлат ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Агар 2016 йилда ўрмон хўжалиги ерларида атиги 8 гектарда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган бўлса, режага кўра жорий ва келаси йилда бу кўрсаткич 830 гектарга етказилади. Адиб ва тоғолди худудларида pista, ёнғок, нўхат, ловия етиштирилиб, қўллаб доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз раҳбари филиалда инновацияларни ривожлантириш бўйича фонд тузиш, вилотда заъфрон ва наъматак каби доривор ўсимликлар етиштириш бўйича иктисодий зона ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

— Ўрмон хўжалигида инновация қилмасак, даромад олиш кийин, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шунинг учун Андижон вилоти ўрмон хўжалигида инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича 3 йилга мўлжалланган махсус қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жорий йилда 11 тумандаги 300 гектар майдонда янги ховузлар барпо этилиб, балиқ етиштириш ҳажми 450 тоннага оширилади. Бундан ташқари, томорқаларда ҳамда 1050 гектар шולי майдонида Хитой ва Вьетнам технологиялари асосида балиқ етиштириш йўлга қўйилди.

Президентимиз балиқчилик, паррандачилик ҳисобидан аҳолининг гўштга эҳтиёжини таъминлаш кераклигини таъкидлади. Шунга мувофиқ, тармоқда ҳосилдорликни камида 12-15 минг тоннага етказиш вазифаси қўйилди.

Вилотда мева-сабзавот экспортини оши-

риш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш ва қайта ишлаш, тўқимачилик кластерини ташкил этиш, ип йиғирув ва тўқув маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар ҳам муҳокама қилинди. Бундай чора-тадбирлар қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли даромад манбаини янада оширишда муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Президентимиз Улугнор туманидаги «Ишхриобод» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ерда «Обод кишлоқ» дастури доирасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.

Бутун Шахриобод маҳалласи бутунлай янги киёфа касб этган. 3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган кишлоқдаги 22 қўп қаватли уйнинг томлари янгиланиб, атрофида қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 7,3 минг квадрат метр майдонга брусчатка ётқизилди, ёритиш чиқроқлари, ўриндиклар, 1 минг 570 метр масофага лотоклар ўрнатилди. Уйлар ёнида тандирхоналар қурилди. Бундан ташқари, маҳалла идораси, тўйхона, ҳаммом, мини-маркетлар барпо этилди.

Маҳалла худудида жойлашган туман «Баркамол авлод» маркази, 20-умумтаълим мактаби, 3-мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирланди.

Давлатимиз раҳбари оксоқоллар билан суҳбатда мамлакатимизда кенг қўламда бошланган кишлоқларни ободонлаштириш дастури одамлар ҳаётига янги мазмун олиб қираётгани, бундан одамларнинг кўнгли тоғдай кўтарилиб, эртанги кунга ишончи ортаётганини таъкидлади.

— Муборак Рамазон ойи кунларида Андижон вилотидаги ташифи буюриб, тадбиркорлар ва аҳоли билан учрашаётганимиз, вилот келажак учун катта-катта режалар қилиётганимиз замирида чўқур маъно бор, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу улғў кунларда амалга ошираётган ишларимиз андижонликлар ва бутун халқимизга хайр-барака олиб келсин, обод кишлоқларимиз кўпайсин.

Шу кун Улугнор тумани ҳокимлигида вилот фаоллари ва мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Видеоселектор шакилидаги йиғилишда иктисодиёт тармокларини ривожлантириш, қўшимча манбалар топиш ҳисобидан иш ўринлари ташкил этиш, таълим, тиббиёт соҳаларини тақимлик қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонли Шавкат Мирзиёев Андижон вилотидаги ташифининг иккинчи кунини Шарқий харбий округга қарашли қисмда бўлиб, янги Мудофаа доктринаси ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар билан танишди.

Харбий қисмларда бир қатор таркибий-ташқилий ўзгаришлар амалга оширилди — озик-овқат таъминоти бўйича аутсорсинг тизими жорий қилинди, ўқув бинолари, ётоқхоналар, спорт зали ва майдонлари замонавий таъмирланмоқда. Бу харбий хизматчиларнинг бутун куч-ғайратини профессионал малака ва жанговар шайлигини оширишга қаратиш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари харбий хизматчиларнинг спорт машгулотларида катнашиш жараёни билан қизиқди.

— Харбийларимиз жисмонан бақувват, маънан юксак, Амир Темур, Жалолддин Мангуберди каби буюк саркараларимизга муносиб бўлиши керак, — деди Президентимиз. — Бунинг учун улар жисмоний машгулотлар билан бирга, хар кун китоб ўқиши, тил ўрганиши, дунёқарашини кенгайтириши зарур.

Харбий қисм хизматчиларининг маънавиятини юксалтириш учун дам олиш кунлари бу ерда олимлар ва санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилади, сахна асарлари намойиш этилади.

Шавкат Мирзиёев аскарлар, зиёлилар билан суҳбатлашди. Учрашувда шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлигига етарлича эътибор қаратиш, бунинг учун зиёлилар, маънавият тарғиботчилари билан ҳамкорликни қўчатириш лозимлиги таъкидланди. Харбийларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини жалаллаштириш, жойларда фаолият юритаётган харбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада тақомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз вилотга ташифи давомида Андижон шахрида аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, уй-жойга эҳтиёжини таъминлаш борасида олиб бориладиган ишлар билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари вилотга ўтган йилги ташифи доирасида Андижон шахрининг «Ўзбеки-гим» маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этиладиган 7 қаватли 5 та уй билан танишиб, бу ерни замонавий массивга айлантириш бўйича тавсиялар берган эди.

Собик консерва заводининг ўрни бўлган бу ерлар қаровсиз, кўрimsиз жойлар эди. Президентимизнинг топшириғидан сўнг бу ерда 5 та уй қурилиб, 2017 йил декабрь ойда ўз эгаларига топширилди. Уйлар билан бирга худудга оройиш бериб турган замонавий инфратузилма барпо этилди, атрофга ўриндиклар ўрнатилиб, болалар майдончалари, мини-маркет, дўкон, новвойхона, автотураргоҳ қурилди.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида худудда яна 9 та, шахар бўйича жами 14 та қўп қаватли уй қурилмоқда. Турар-жойларни жорий йил сентябрь ойда ўз эгаларига топшириш кўзда тутилган.

Маҳалланинг шимоллий қисмидаги ховлилар ўрнига ҳам қўп қаватли уйлар, 1000 ўринли мактаб, 280 ўринли боғча, меҳмонхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш режалаштирилган.

Президентимиз Андижонда аҳолини уй-жой билан таъминлаш долзарб эканини инобатга олиб, шу йилнинг ўзига қўшимча яна бешта 7 қаватли уй қуриш бўйича топшириқ берди.

— Шу тариқа бу йил Андижон шахрида 19 та, яқин йилларда жами 50 та қўп қаватли уй бунёд этилади. Янги уйлар Андижонда уй-жойга эҳтиёжини таъминлашга эришиш имконини беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Андижон шахрининг 2035 йилгача мўлжалланган Бош режаси ва шахарда амалга ошириладиган бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш-реконструкция қилиш лойиҳалари тақдироти ўтказилди.

Бутунги кунда Андижон шахрида 422 минг аҳоли 15 минг гектар жойда истиқомат қилмоқда. Президентимизнинг ўтган йилги топшириғи асосида «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК томонидан шахарнинг янги бош режаси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда Андижон тумани ва қисман Олтинқўл тумани худудидан 6 минг 300 гектар майдонни Андижон шахрига қўшиш кўзда тутилган.

Президентимиз Бош режада кўзда тутилган максалларга эътибор қаратди. Андижон шахридаги Девонабой масжиди ҳамда Ю.Оттабеков кўчасини капитал реконструкция қилиш лойиҳалари юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини берди. Мазкур кўчадан оқиб ўтувчи канал бўйи ободонлаштирилиб, атрофида одамлар дам оладиган сайилгоҳ барпо этилмоқда. Ҳозирги кунгача каналнинг 500 метр қисмидаги ишлар бажарилган, Мустақиллик байрамигача 3,5 километрлик қисми тўлиқ обод этилади.

Шавкат Мирзиёев барча лойиҳаларини бажаришда сифат ва мўддатга эътибор қаратиш, узок келажакни ҳисобга олиш кераклигини таъкидлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

КУН НАФАСИ

«1

Beeline Алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасида давлат назорати инспекциясининг даъво аризаси бўйича 26,9 млрд. сўм миқдориди жарима тўлади.

Бошқа оператор - Ucell ҳам жаримага тортилиб, 17 млрд. сўм тўлашга мажбур бўлди.

Тошкент шахридаги аввал ёниб қўйилган Амир Темур хиёбони айланма йўли ва Зарафшон кўчаси оралиғида ҳамда Ш.Рашидов шох кўчасидан Матбуотчилар кўчаси бўйлаб («Пойтахт» савдо маркази) Амир Темур хиёбони айланма йўлигача бўлган оралиқда транспортлар ҳаракати қайта тикланди.

Дунёнинг санокли давлатигина Дамашк атиргулидан қимматбаҳо эфир мойи олиб, атир-упа, тиббиёт ва қимё саноатида қўллаиди, экспорт қилади. Самарқанд вилотининг Жомбой туманида 20 гектардан зиёд майдонга атиргулнинг ушбу нави экилиб, катта миқдорда сифатли ёғ ва атиргул гулоби ишлаб чиқариш амалиёти йўлга қўйилди. Дамашк атиргули юртимиз шароитида атиги 20 кунда, фақат май ойда «ҳосилга қиряпти». Аммо натижалар қўтилганидан ҳам ортик.

Эндиликда қуриладиган барча масжидларда (хавфсизлик юзасидан 150 метр узоклиқда) автотураргоҳ бўлиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ўз маблаглари ҳисобидан республиканинг хар бир вилотида 1 тадан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила хонадонини бегариз таъмирлаб бериш ташаббуси билан чиқди.

Европа Иттифоқи ва Эрон 2018 йил ноябрь ойининг охирида Брюсселда ядровий ҳамкорлик бўйича учинчи олий даражадаги семинар ўтказиш тўғрисида келишувга эришди.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи Эрон билан тинчлик йўлида атом энергияси соҳасида ҳамкорлики давом эттириши, шу жумладан, кенг камровли қўшма тадбирлар режасига соддиқлигини қайд этган.

Мавсум аяқуларига кўра, «Барселона» етакчиси Лионель Месси нафақат Испания чемпионати, балки Европанинг ҳам энг сермахсул ўйинчисига айланди.

У бешинчи бор Европа чемпионатларининг энг яхши тўпурарига топшириладиган «Олтин бутса» соҳиби бўлди.

Канаданинг «Vancouver School of Economics» ва «McGill» университетларида олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра катта шахарларда яшайдиганлардан кўра кишлоқларда истиқомат қилувчи кишилар бахтлироқ экан.

Шовкин-суронли шахарлардагиа нисбатан тинч-осуда кишлоқлар аҳолиси 8 марта кўпроқ бахтли экан. Бундай ҳулосага келишга 400 нафар киши устида амалга оширилган тадқиқот асос бўлган.

Жорий йил 15 — 21 май кунлари Арманистонда бўлиб ўтган III Халқаро Ёшлар форуми доирасида Ўзбек Миллий академик драма театри Ереван шахрининг А.Пароян номидаги давлат мусикали комедия театрида ўзининг «Момо ер» спектаклини намойиш этди.

Спекталь иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бир гуруҳ тадқиқотчилар қўп йиллардан бери тақикланган CFC (хлорфторугтеводород) қимёвий моддалари шарқий Осиёнинг қайсидаи худудида яна ишлаб чиқариладиганини аниқлашди.

Агар айбдорлар топилиб, уларнинг фаолиятига чек қўйилмаса, ердаги ҳаётни зарарли радиация нуруларидан ҳимоя қилувчи озон қатламнинг қайта тикланиши яна ўн йилликларга қўзилиши мумкин.

«Wealth-X 2018» маълумотларига кўра, дунёда миллиардерларнинг умумий сони 2754 кишини ташкил этади.

Уларнинг 25 фоизи Америка Қўшма Штатларида яшайди (680 киши). Бу Хитой, Германия ва Ҳиндистондагиларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам қўп.

Афғонистоннинг Жалолобод шахрида содир этилган учта портлаш оқибатида саккиз киши ҳалок бўлди, 45 нафар одам жароҳатланган.

Портлашлар шахар стадионида крикет бўйича учрашув вақтида юз берган.

Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти Эбола хавфидан огоҳлантирди. Ташкилот Эбола вируси сабаб Конго Демократик Республикасида юзага келадиган касаллик ҳавфини «юқоридан «жузда юқори» бўлган даражага оширди.

Конгода мазкур вирус билан боғлиқ 40 дан ортик ҳолат қайд этилди. Улардан учтаси Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти мутахассислари томонидан текширилган.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Интеграция

Хар қандай мамлакат тараққиётида минтақалараро ҳамкорлик муҳим йўналишга эга. Чўнки худудларнинг амалий ва ташкилий жиҳатдан алоқаларини мустақамловчи савдо-иқтисодий ва маданий гуманитар ҳамкорлик хар икки томон учун ҳам бирдек фойдали.

Худудлараро ҳамкорликни ўрнатиш, аксарият ҳолларда давлат раҳбарларининг сиёсий иродасига боғлиқ бўлади. Шунингдек, худудлараро ҳамкорлик ҳамкор давлатлар ўртасида икки томонлама муносабатларини мустақамлаш ва ривожлантириш учун восита (йўналиш) сифатида ҳам хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг фаол саяё-ҳаракати туфайли Ўзбекистоннинг Қирғизистон Республикаси билан худудлараро ҳамкорлигига янги саҳифа очилди. Икки давлатнинг географик жиҳатдан яқин жойлашгани ва чегарадош экани ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришда хал қилувчи омилдир.

Шу маънода, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара масалаларининг ҳал этилиши ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланиши ҳам ҳамкор-

лик муносабатларини мустақамлаш ҳамда янада ривожлантиришга хизмат қилади. Икки давлат ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ хозирга қадар умумий чегараларнинг 85 фоиз қисми

ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлатлар ўртасида чегараларнинг халқаро-ҳуқуқий мақомини белгилаш бўйича шартноманинг мав-

жудлиги худудда узок муддатли барқарорликнинг қафолати ҳисобланади.

Худудлараро ҳамкорлик муносабатларини белгилаб берувчи географик омиллардан яна бири худудлардаги ландшафтининг умумийлигидир. Томонларнинг жойлашган ландшафтини фақат сиёсий жиҳатдан чегара чизиги ажратиб турибди. Ушбу худудлар Фарғона водийсида жойлашган бўлиб, географик жиҳатдан 7 та маъмурий худудни камраб олган.

Бундан ташқари, худудда табиий ресурслар, хусусан, сув ресурсларидан фойдаланиш манфаатларининг мавжудлиги ҳам ҳамкорликка ундовчи куч бўлиб хизмат қилади. Мазкур худудлардан оқиб

ўтувчи ва Марказий Осиёнинг энг узун трансчегаравий дарёси ҳисобланган Сирдарё 20 дан ортик катта ва кичик дарёлар, каналлар, гидроэнергетик иншоотлардан таркиб топган ягона сув-энергетик тизимини ташкил этади. У Фарғона водийси субминтақасида жойлашган маъмурий-худудий бирликларнинг деҳқончилик фаолиятининг муҳим манбаидир. Сув ресурслари омилы бошқа иктисодий хусусиятларни ҳам юзага келтиради. Хусусан,

иқкы томонлама энергетик

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — меҳнаткашларнинг ҳамкори ва таянчи

Касаба уюшмалари аралашуви билан Зафаробод туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Ш.Каримов Жиззах ҳарбий прокурорининг келтирган протестига асосан қўролли қўчлар хизматчиси Далер Бобоевга 2016 йил 7 сентябрдаги 60-сонли буйруғи билан Меҳнат кодексининг 181-моддаси, 1-қисмига асосан берилган «хайфсан» интизомий жазо чорасини бекор қилишга ҳамда «огоҳлан-тириш хати»ни қайтиб олишга мажбур бўлди. Чунки туман мудофаа ишлари бўлими бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Д.Бобоевга нисбатан қўлланилган интизомий жазо Меҳнат кодексининг 182-моддасида белгиланган бир ойлик муддатда эмас, уч ойда қўлланилган.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида имзоланган тармок келишувининг 14-банди, Меҳнат кодексининг 101-моддаси ҳамда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси талабига асосан касаба уюшма раисини ишдан бўшатилган олдин юқори касаба уюшмасининг ёзма розилиги олинмаган. Оқибатда ходим ишга тикланиб, унга мажбурий бекор юрган қўнлари учун 2 миллион 146 минг сўм маблағ иш берувчи ҳисобидан тўлаб берилди.

Бир қарашда барчаси рисоладагидек: иш берувчи ўзининг ноқонуний буйруғини бекор қилди, ходим аввалги вазифасига қайта тикланди ва адолат қарор топгандек бўлди. Афсуски, ундай бўлмади. Раҳбарнинг ходимга нисбатан ички адовати зўрлик қилибми, ҳартугул ўзи ишдан кетиши олдида «хал, сеними, шошмай тур!» қабилида иш тутди. Иш берувчи ходимга нисбатан яна амалдаги меҳнат қонунчилигида зид бўлган

Иш судгача бориши шартмиди?!

буйрукка имзо чекди. 2018 йилнинг 18 январдаги буйрукка кўра Д.Бобоев билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Буйрукка йиғилиш баённомаси ва Меҳнат кодекси асос қилинган. Ваҳоланки, МКнинг 107-моддасига кўра иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ушбу кодекснинг 87, 89, 97, 99, 100, 105, 106-моддалари таърифида ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив таърифа мурофиқ ёзилиб, кодекснинг ёки бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди)га биноан бекор қилинганлиги кўрсатилгани зарур эди.

Шу ўринда яна бир жихатга эътибор қаратсак. Туман мудофаа ишлари бўлимининг жамоа шартнома-



раиси ёки аъзоси билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш юзасидан тақдирнома қорхона касаба уюшма кўмитаси ҳамда тегишли касаба уюшмасининг тармок ёки ҳудуд бўйича бирлашмаси (уюшмаси) органи томонидан кўриб чиқиши қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 25-моддасида вакиллик органига сайланган ва ишлаб чиқаришдан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб йўл қўйилмаслиги баён этилган.

Ана шу каби ғайриқонуний ҳолатлар юзасидан юборилган тақдирнома янги иш берувчи Э.Саримсаков томонидан эътиборсиз қолдирилган, ходим маффаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилди.

Судга тегишли тартибда қақирилган Зафаробод тумани мудофаа ишлари бўлими вакили келмагани туфайли суд мажлиси икки бора қолдирилди. Ниҳоят, суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди. Унга кўра иш берувчининг 2018 йил 18 январдаги 6-сонли буйруғи бекор қилинди ва ходим Д.Бобоев ишга тикланиб, унинг мажбурий бекор юрган қўнлари учун 2 880 000 сўм иш хақи ҳамда 300 минг сўмлик маънавий зарар ундирилган бўлди.

Алишер КАРИМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Ғамхўрлик

«Беминнат мадад учун ташаккур!»



Яроқсиз ҳолга келиб қолган эски плитамизни қўриб, янги газ плитаси совға қилишларини айтганларида, тўғриси, ишонмаганим. Бугун замонвий газ плитасини қабул қилиб олганимда беихтиёр кўзим ёшланди.

Сирасини айтганда, ушбу хайрли тadbирлар туфайли эҳтиёжманд инсонларнинг мушқули осон бўлиб, қўнғиллари тоғдек юксалмоқда. Уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланмоқда.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Шофиркон туманидаги Сўфийе кишлоғида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Ҳайдат Саломов оиласи кейинги пайтларда айрим муаммоларга дуч келди. Жумладан, рўзгоридида фойдаланиб келинаётган газ плитаси эскириб, яроқсиз ҳолга келганидан ташвишда эди. Бундан хонадоннинг ногирон бекаси кўпроқ азият чекарди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Саломовлар оиласининг ахволини ҳам ўрганди. Натيجида хонадонга топширилган янги газ плитаси қўнгли ўқсик инсонларга шодлик бахш этди.

— Президентимизнинг халқ учун, айниқса, эҳтиёжманд оилалар учун кўрсатаётган ғамхўрликларидан чексиз миннатдоримиз, — дейди мазкур туман «Боғнафзал» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тўра Мирзаев. — Мен ҳам, турмуш ўртоғим ҳам ногирон. Оиламизда камчилик бор. Очиғи, анчадан бери газ плитасига эҳтиёж сезардим. Яқинда касаба уюшмалари ва бир гуруҳ жамоатчилик вакиллари хонадонимизга ташриф буюриб, яшаш шароитимизни ўрганди. Кўп ўтмай газ плитаси келтириб беришди. Беминнат мадад учун ташкилотчиларга раҳмат.

Бундай самимий сўзларни қўлаб эҳтиёжманд оилалар аъзоларидан эшитди. Шу тариқа Шофиркон туманида 70 та, вилоят бўйича 910 та хонадонга тарқатилган газ плиталари эгаларининг қўнгли шод бўлиб, муаммолари бартараф этилди.

Иззатулло ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Наманган вилоятида бир гуруҳ ҳамшираларга «Умид гулшани» санаторийсида дам олишлари учун бепул йўлланма тақдим этилди.



Эътибордан мамнунмиз

— 27 йилдан бери тиббиёт соҳасида хизмат қилиб келаман, — дейди Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси тизимидagi 6-оила поликлиникаси Бўстон филиали ҳамшираси Навбахор Орифжоновна. — Фаолиятимиз давомида аҳоли билан саломатлик профилактикаси борасида қўлаб сўхбатлар ва тиббий қўриқлар ўтказиб келмоқдамиз. Худудимиздаги 212 та хонадонда 290 оила истиқомат қилади. Улардаги 1061 нафар юрtdошимизнинг соғлиғидан мунтазам хабардор бўлиш биринчи галдаги вазифамиздир. Чунки замонвий тиббиётда беморга ташхис қўйишда врач-

нинг иштироки билан бир қаторда ҳамшираларнинг иштирокига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса бизга ўзига хос шараф билан бир қаторда, масъулият ҳам юклятир. Бизга тухфа этилган бепул йўлланмалар ўз устимизда ишлаш, соҳанинг фидойисли сифатида қўлларга ўрнак бўлишимизда алоҳида аҳамият касб этади.

Дилшод ТўХТАБОВЕВ,
Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий сўғурта бўлими мудури

Байрам туҳфаси

Мажбурий меҳнатга ундовчи

ҳар қандай ҳаракатга қонуний чора кўрилади

Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурий меҳнатга чек қўйиш борасида юртимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар дунё жамоатчилигининг диққат-эътиборида.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашувда ижтимоий соҳа ходимларининг жамоат ишларида мажбурий жалб этилатганини қаттиқ танқид қилиб, барча қатта-кичик раҳбарларни жиддий огоҳлантиргани,

шу йил 10 май кунини «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳукумат қарорининг қабул қилиниши кун тартибидagi масаланинг ғоят муҳим ва назорат қилинганлигини айтишда.

Мазкур йўналишда ижобий натижага эришишда тарғибот тadbирларига эътибор қаратиш орқали омманинг ҳуқуқий онг ва маданиятини ривожлантириш, жамоатчилик назоратини ку-чайтириш зарур. Бу жихатлар ҳуқуқсизда Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари

бирлашмасида ўтказилган семинар-тренингда Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти Оксана Липкану атрофлича фикр билдирди.

Тadbирда одам савдоси ҳолатларини текшириш ва идентификация қилиш масаласи ҳам эътибор марказида бўлди. Таъкидлаш жоизки, юртимизда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муносиб иш шароитлари яратиш, мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шаклларида барҳам бериш, одам савдосининг олдини олиш сингари йўналишларда халқаро меъёрий ҳужжатларга оғишмай

риоя этилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари белгиланган.

Таълим даргоҳларида бўлиб, ўқитувчилар, юқори синф ўқувчилари билан мулоқотлар қиляпти, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марҳамат тумани кенгаши раиси Нурмухаммад Сарболаев. — Муассаса раҳбарларига ўқитувчиларни вазифасига кирмайдиган турли хил юмушларга ундовчи ҳаракатлар учун қонуний чоралар қўрилиши

ҳақида ишчи гуруҳи томонидан тушунчалар берилляпти. Таълим сифатини ошириш, ходимларнинг ўз устиди ишлашлари учун кўпроқ имконият яратиш масаласи ҳамisha кун тартибиди. Мажбурий меҳнатни кескин чеклаш юзасидан тарғибот ишларида барча соҳа вакиллари жиддий ёндашиляпти.

Амалий машғулотда ҳуқуқшунослар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ишга ёллаш жараёнида мажбурий меҳнат ҳамда одам савдоси ҳолатларини текшириш ва идентификация қилиш бўйича билим ва тушунчалари мустаҳкамланди.

Нурилло НўҲОМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Шаҳрисабз туманидаги Чоршанбе қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ишлаб чиқариш таълими устаси, шунингдек, жамоатчилик асосида касаба уюшма кўмитаси раиси лавозимиди ишлаб келаятган Абдуҳафиз Бектошев юрак ҳуружини ўтказди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан кўрсатилган моддий ёрдам раиснинг пойтахтда даволанишига туртки бўлди.

Фаолият қамрови кенг

Тошкентга борсамми-борсамми, деб турганимда тармок касаба уюшмасининг кўмаги далда бўлди, — дейди Абдуҳафиз ака. — Даволаниб келиб, ишимни ҳам давом эттираман.

Яна бир воқеа. Мазкур коллеж ходими Ақтам Сафаров ҳам йиқилиб, бундан жароҳат олган эди. Чоршанбе кўргонидаги шифохонада даволанди, жарроҳлик амалиётини ўтказди. Бирок тўлиқ тузалиб кетмади. Шифокорлар иккинчи марта «операция» қилиш лозимлигини айтишганда Ақтамжоннинг руҳи анча тушиб кетди. Ўртаҳол оила, шароити ҳам ўзига яраша. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан кўрсатилган моддий ёрдам наватбадга муолажада қўл келди. Шукурки, бу галги амалиёт муваффақиятли чиқди ва ходимнинг меҳнат фаолияти тикланди.

— Ҳозир яхшиман, — дейди Ақтам Сафаров. — Қийин пайтда касаба уюшмалари ҳам моддий, ҳам маънан қўлаб-қувватлади.

— Касаба уюшмаларининг ходимлар маффаати йўлида ташаббускор бўлаётгани қувонарли, — дейди

Шаҳрисабз агроинтисодиёт касб-ҳунар коллежи ходимаси Гўзал Эшбўтаева. — Яқинда жамоамиз аъзоларидан 48 киши Сурхондарёга бориб, Термиз эътибобларимиз тақдирларини зикр этиб қилиб келдик. Марказ шаридаги бунёдкорлик ишлари билан танишдик. У ердаги ҳайвонот боғини томоша қилидик, бозорларни айланиб, қўшни вилоят ҳақида кўп таассуротлар олдик.

Шаҳрисабздаги Қатагон кишлоғида жойлашган агроросаноат касб-ҳунар коллежида эса фахрийлар ва ёшлар ўртасида мустаҳкам муносабатлар йўлга қўйилган. Яқинда муассасада тахсил олувчи йигит-қизлар ҳамда Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, 102 ёшли Бобоқул Авлоқов, юз билан юзлашган Сабдулла Жабборов ва Ҳайдар Исмолов билан учрашув ташкил қилинди.

Фахрийлар ёшларни осяошталлик ва мустақиллигимизни кўз қорачиғиди асрашга чақирди. Ўз навбатида, коллеж касаба уюшма кўмитаси ва маъмурий отахонларга эсдалик совғалари топширишди.

Ўз мухбиримиз

Аъзолик

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Ёшлар бирлашмаси ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ёш ходимларни касаба уюшма аъзолигига қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сафимиз кенгайди



Жумладан, «Ўзбекистон ёшлар тadbиркорлигини қўлаб-қувватлаш маркази» вилоят ҳудудий бўлинимасининг 23 нафар ҳамда Ўзбекистон «Ёшлар маркази» вилоят ҳудудий бўлинимасининг 15 нафар ёшлардан иборат меҳнат жамоаси аъзолиққа қабул қилинди. Ҳар иккала бўлиним бошланғич касаба уюшма кўмитаси раислари сайланди.

Ҳилола МАМАЗИЁЕВА,
Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Меҳр-мурувват

Диққат, муаммо!

ЧИРОҚЧИГА ХОС ЭРТАК

ёхуд бир хонали таълим маскани

Чироқчи — нафақат Қашқадарё вилояти, балки мамлакатимиздаги катта ҳудудга эга туман. «Чорвадор» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Оғзикент қишлоғи ҳам кенг ҳудудни эгаллаган. Бепоев дашт сарҳадларида жойлашган ушбу қишлоқдаги 146-умумтаълим мактабида 306 нафар ўқувчи тахсил олади. Бироқ қишлоқнинг халқ тилида «Янтоқсой маҳалласи» деб аталадиган чекка ҳудудда ҳам мактаб ёшидаги болалар бор. Уларга бу мактабга қатнаб ўқиш узоқлик қилгани учун қишлоқ аҳолиси 2000 йилда ҳашар йўли билан бир хонадан иборат иморат қурган ва бу ерда мактаб «филиали» иш бошлаган.

Очиги, қишлоқ аҳли бу ишга «болалар саводсиз бўлиб қолмасин», деган мақсадда мажбурликдан қўл урган. Ўтган вақт мобайнида омонат бино эскириб, анчайин хароба ҳолга келиб қолди. Яқинда у амал-тақал тазмирланиб, стол-стуллар билан жиҳозланди. Қишлоқдагилар мактабнинг янги филиали биносини куриб бериш ҳақида мутасадди ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилган бўлса-да, уларга

«Чорвадор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жуманиёз Абдуллаев. — Шу сабабли кичик ёшли болаларнинг бир кунда 4-5 километр узоқликдаги мактабга бориб келиши қийин. Қанийди, чекка ҳудудда ҳам замонавий таълим маскани қурилса...

— Ота-оналарнинг талаби тўғри, — дейди қишлоқдаги 146-умумтаълим мактаби директори Жобир Отамуродов. — Чекка ҳудудда яшовчи ўқувчи асосий



мактабдаги дарслар бошланишига соат 8:00 га пиёда етиб бориши учун соат 7:00 да уйдан чиқиши зарур.

тайинли жавоб берилгани йўқ.

Ҳозир бу ерда бир вақтинчига ўзида бир синфхонада тўртта синф ўқувчисига дарс ўтилади. Биргина фидойи муаллим Тўйчи Жуманазаров саъй-ҳаракати билан қишлоқ болалари савод чиқариб, ўқиш-ёзишни ўрганимоқда.

— Бир синфда 1-4 синфларга мансуб бўлган 18 нафар ўқувчига дарс ўтади, — деди Тўйчи ака. — Биринчи синф ўқувчиларига дарс ўтаётганимда қолган синф ўқувчилари кутиб туради...

Бу жумаларни ўқиганларнинг айримлари «бу гаплар ўтган асрга тегишли бўлса керак» деган ҳаёлга бориши тайин. Афсуски, бундай эмас. Бу Чироқчида замонавий эртақ баёни, ҳолос.

— Телевизор оркали замонавий мактабларда ўқиётган тенгдошларимни кўрсам, ҳавас қиламан, — дейди 2-синф ўқувчиси Гулистон Саидова.

— Келажакда ҳарбий бўлмоқчиман, — дейди 1-синф ўқувчиси Қасрамон Саидов. — Бунинг учун яхши ўқишим, спорт билан шуғулланишим керак. Бироқ бунга шароит йўқ...

— Катта бўлсам, тикувчи бўлишни орзу қиламан, — деди 4-синф ўқувчиси Сабрина Саидова. — Мен ўқитувчи бўлмоқчиман...

— Мен шифокор... Ўқувчилар бири қўйиб, бири қайси касбни ёқтиришини айта кетишди. Уларнинг орзулари бир олам...

— Қишлоғимиздаги уйлар ўта тарқок жойлашган, — дейди

13:30 да дарслар тугаса, ўқилардан чарчаб-хориған ўқувчининг уйига етиб боришига яна бир-бир ярим соат вақт кетади. Яъни, соат 14:30, 15:00 да уйига кириб боради. Бу ҳар қандай ўқувчини ҳам толиқтиради.


Ҳозирча Янтоқсой қишлоқчасида яшовчи ўқувчилар биргина синфда сабоқ чиқараётти. Билим олишни истаганлар эса бошқа мактабга бориши зарур. Айни пайтда ўнлаб ўқувчилар уйдан узоқда бўлса-да ўқиш илминини сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Қишлоқдагиларнинг айтишича, яқинда Қашқадарё вилояти ермулк давлат қорхонаси Чироқчи тумани филиали мутахассислари бу ерга келиб, янги мактаб филиали қурилиши учун ер майдонини ўлчаб кетишибди. Лекин қурилиш қачон бошланиши ҳали маълум эмас.

Шу ўринда ҳақли савол туғилди: бу ҳолни мутасаддилар, ҳуСУсан, Халқ таълими вазирлиги қандай изохлайди? Бу қишлоқда мактаб филиалининг янги биноси қуриладими? Ёки ахвол «ёски ҳаммом, ёски тос»лигича қолаверадими? Чироқчида хос эртақ қандай яқун топади?

Бу каби саволларга ижобий ечим топилса, Оғзикент қишлоғидан нафақат моҳир чавандоз-у чорвадорлар, балки жамият учун нафи тегадиган қўллаб-қўллай ва тадбиркор инсонлар етишиб чиқади. Бунга ишончимиз қомил. Айтганча, эртақлар ҳам ҳар доим яхшилик билан тугайди...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири



жаннат неъмат

Рамазон ойида севиб истеъмол қилинадиган мевалардан бири хурмодир. Хурмо лотинчада «илоҳлар таоми» маъносини билдиради. Тўғри танланган хурмо меваси асалдай ширин бўлади, чўнқи унинг чорак қисми қанд моддасидан иборат. Эрталаб 3 дона хурмо ейилганда чанқашнинг олдини олади ҳамда юрак, жигар ва бўйрақлар учун фойдали хусусиятлари мавжуд.

Унинг таркибиде углеводлар микдори 60-65 фоизга тенг бўлиб, бошқа меваларга нисбатан аминокислоталарга бойлиги билан ҳам ажралиб туради.

«Аллоҳнинг элчиси пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом (Унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) рўзасини намоздан аввал хурмо меваси билан очилиши одат қилган эди.» (Сунон Абу Довуд ривоят)

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг одатлари, айтган сўзлари ва етказган хабарларига асрлар оша амал қилиб келинмоқда.

Бу амаллар инсонларга нафақат маънавий-ахлоқий, шунингдек, жисмоний наф келтирмоқдаки, уларнинг соғлиқ ва саломатлиқдаги ўрни аини пайтда илм аҳли, замонамизнинг етук олимлари томонидан ҳайрат билан эътироф этилмоқда.

Қуръони Каримда ҳам тилга олинмаган бу неъматнинг шифобахшлиги борасида табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино ҳам таъкидлаб ўтган. Таркибидеги мис, темир, марганец, рух, фосфор, натрий, калий, кальций, мағний каби микроэлементлар ва турли витаминлар онкологик ва юрак-қон томир касаллиқларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Хитойлик узоқ умр кўрадиган одамлар асосан

хурмо билан озикланишар, араблар эса хурмони «сахро нони» деб эъзолашар ва хурмодан 100 хилдан ортиқ таом тайёрлашар экан. Хурмо антиқа мева бўлиб, қўнчилик парҳезишунослар ширинлик ўрнида хурмони тавсия қилишади. Бундан ташқари, хурмо қадим замонлардан бунда даво сифатида ҳам истеъмол қилинади.

Одам организмиде қондаги қанд микдорининг камайиши натижасида очлик ҳисси пайдо бўлади, хурмо егандан сўнг бу ҳис йўқолади. Рўздорлар хурмони ифторликдан олдин эса, организмде очлик ҳисси баргараф этилади, иштаха ором олади ва бунинг натижасида бирдан кўп овқат еб қўйишнинг олди олинади.

Бошқа мевалардан фарқли ўлароқ, хурмода 23 хил аминокислота мавжуд.

Олимларнинг фикрича, одам бир кунда 10 дона хурмо эса, танадаги суткалик мағний, мис, олтингурут, темир, кальцийнинг ўрни қопланади. Соддароқ қилиб айтганда, фақат хурмо ва сув билан инсон бемалол бир неча йил яшаши мумкин.

Хурмонинг хусусиятлари ва организмде таъсирини ўрганиш жараёнида қуйидаги фойдали хусусиятлари аниқланган:

хавфли паразитлар, бактериялар, микроблар сакланмайдиги;

одам организмидеги касаллик қақирувчи зарарли бактерияларни ўлдиради;

аёлларда бачадон қисқаришини яхшилайти ва шу туфайли туғруқлар енгил кечади;

Иштахани меъерига келтиради;

Мушаклар функциясини яхшилайти ва тиклайди;

Оч қоринга истеъмол қилиш организмдеги паразитларни ўлдиради.

Хурмо — бу таом, дори, ширинлик ва шарбатдир. Албатта, одам хурмо истеъмол қилмасдан яшаши мумкин, лекин хурмо организм учун ниҳоятда фойдали.


Зулфия ТОЙИР қизи тайёрлади.

«Улли ҳовли» мажмуаси

Хоразм вилоятидаги қадим масканлардан бири — «Улли ҳовли» ёдгорлик мажмуаси Урганч туманида жойлашган. XVII асрга оид ушбу мажмуада Хива хонлиги давридаги қадимий ҳовлилар, турли осори-атиқалар, уларни ўраб турган қўрғон сақланиб қолган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мажмуада кенг қўламли таъмирлаш ва реставрация ишлари амалга оширилди. Бунда бинонинг асл тарихий ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. 20 ўринли меҳмонхона қурилди. Туркман ўтовлари ўрнатилди. Сайёҳлик ва зиёрат туризми учун барча шароит яратилди.

ЎЗА фотомухбири
Оқил ҒУЛОМОВ олган сурат.



Аукцион савдолари хабарномаси

«BEST LINE REALTOR» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик
аукцион савдоларига таклиф этади!

2018 йил 21 июнь кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли, 52-ўй манзилда ўтказиладиган савдоларга қуйидаги қурилиш тугалланмаган Маъмурий бино бошланғич баҳоси 10 (ўн) фоз арзонлаштирилган ҳолда тақрибан қўйилмоқда:

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри ҳўжалик сўниини 11.11.2016 йилдаги 10.1621/23750-сонли ҳал қилив қарарига асосан биворот деб топилган «OBEN SERVICE» МЧЖ акционерларининг 07.05.2018 йилдаги 09-сонли йилгиш бийновисига ва тугатил бошларушнинг 14.05.2018 йилдаги 64-ЖС-сонли буюрмаисига асосан жамият эҳсосидеги Тошкент вилояти Оқатирон тумани, Достуни ҚФЙ, Шодвалик МФЙ манзилда жойлашган умумий ер майдони 1000,0 кьметр, куриш ости ер майдони 421,47 кьметр, фойдаланиш майдони 538,43 кьметрдан иборат қурилиш тугалланмаган Маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 136 142 100 (бир юз ўттиз олти миллион бир юз кьзр юкюн минг бир юз) сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюрмаисомалир «Савдо ташкилотчи» томонидан расмий иш кутуби соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик, шанба ва ақшанба дам олиш кунин).

Буюрмаисомалирини қабул қилиш охирги муддати: 2018 йил 20 июнь кунин 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси голийида 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти қолатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагиде бўлган талабгорлар «Савдо ташкилотчи» билан тузиладиган закатат пути тўғрисидаги келишу шартномасига

Реклама

асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фозини микдоридеги закатат пути тўлангандан сўнг савдо иштирок этиш учун буюрмаисомалир топширилади лозим.

— жисмоний шахслардин паспорт нуқсаси, буюрмаисомалир закататти вақил топширгиде кунин ҳужжатларида белгиланган тартибде расмийлаштирилган ишончнома ёки қонуний вақиллигини тасдиқловчи ҳужжат, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нуқсаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

— юридик шахслардин давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибде расмийлаштирилган ишончнома, буюрмаисомалир закататти вақил топширгиде унинг тасдиқловчи ҳужжат нуқсаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

Тақдим қилинган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси билан (жисмоний шахслар учун) ҳамда талабгорнинг имзоси ва муҳри билан (юридик шахслар учун) тасдиқланган шарт.

Заказат тўлови учун резимити: «BEST LINE REALTOR» маъмуриети чеклиган жамиятининг х/р: 20208000300692478001, АТБ «InFinBANK» банк Тошкент шаҳри, Шайхонзодар тумани филиали МФО: 01141, СТИР: 30421042, ОКОНХ: 83100.

Буюрмаисомалир қабул қилиш, қўшимча маълумотлар билан танишиш ва савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли, 52-ўй.

Тел.: (+99898) 115-71-97, E-mail: best-line-realtor@mail.ru, Веб сайт: www.blr.uz Лицензия: RR 0274.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатта
олинган.

Бош муҳаррир:
Ҳўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳўқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-ўй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чош этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.

Тахририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТБ «Ispetka bank» Яшнобод филиали,

банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳўдудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32

Андижон — (+998-91) 475-23-60

Бухоро — (+998-93) 653-50-81

Жиззах — (+998-91) 943-67-44

Наманган — (+998-90) 260-50-77

Навоий — (+998-93) 314-13-03

Самарқанд — (+998-97) 915-50-87

Сирдарё — (+998-90) 610-95-55

Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07

Фарғона — (+998-90) 991-55-71

Хоразм — (+998-90) 719-48-00

Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи
назаридан фарқлиниши мумкин.

Диққат, эълон!



24-25 МАЙ
КУНЛАРИ
«КИТОБ
БАЙРАМИ»
ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сон қарориде белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсидеи Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2018 йил 24-25 май кунлари «Китобхонлик маданиятини юксалтириш буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим қафолатидир» шиори остида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида Республика «Китоб байрами» тадбирлари ўтказилади.

Китоб байрамидан қўзланган асосий мақсад — бу китобнинг жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини янада ошириш, буюк аждодларимизнинг ёрқин хотирасини, замонамиз қаҳрамонларини тимсолити ҳаққоний ва халқчил акс этирувчи адабиётлар салмоғини оширишда адиб ва ноширларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодини интеллектуал ривожланган, жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада юксалтириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини оширишдир.

Икки кун давомида бўлиб ўтадиган тадбир доирасида:

Пойтахтимизнинг маркази — Сайилгоҳ кўчасида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида республика нашриётлари томонидан китоб маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилади;

«Намунали китоб дўкони» танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими, турли сўровнома ва акциялар ўтказилади;

Китоб байрами кунларида, шунингдек, мушоиралар, адабий учрашувлар, шахмат ва шашка мусобақалари ҳам ташкил қилинади;

Таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдод соҳиблари, шунингдек, Республика ёш томошабинлар театри ва Республика кўғирчоқ театрининг ҳамда турли болалар санъат гуруҳларининг «Китобсеварларни кутлаймиз!» номли чиқишлари уюштирилади;

«Энг яхши китобхон оила», «Энг яхши китобхон», «Ёш китобхон» каби совринли викториналар ва «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзусида ижтимоий сўровлар ўтказилади;

Китоб байрами катнашчилари ҳисобланган нашриётлар, ижодий уйлар ва матбаа корхоналари ўртасида «Энг фаол иштирокчи» ҳамда «Энг яхши стенд» номинацияларида танлов ўтказилади ва ғолиблар тақдиротчилар томонидан тақдирланади.

Сиз икки кун давомида «Китоб байрами»да бевоисита иштирок этишингиз, ноширларимиз томонидан чош этилган янги китоблар билан танишишингиз, ўзингиз ва фарзандларингиз учун турли китобларни харид қилишингиз мумкин.

БАРЧА КИТОБСЕВАРЛАРНИ РЕСПУБЛИКА
«КИТОБ БАЙРАМИ»ГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Ташкилий қўмита